O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2001 йил 10 январь, чоршанба • №3 (11.288) • Эркин нархда сотилади

## ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда маънавий-маърифий ислоҳотларни изчил амалга ошириш, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини халқимиз онги ва қалбига сингдириш борасида улкан ишларни амалга оширишга қаратилган муҳим ҳужжатдир. Юртбошимизнинг маънавиятга бош ҳомий бўлаётганлиги, жойларда вилоят раҳбарларининг Маънавият ва маърифат Кенгашлари раислари сифатида фаолият олиб бораётгани бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, давлатнинг бош ислоҳотчи сифатидаги вазифасини бажариш, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш, маънавий-маърифий ўзгаришларнинг амалда ҳаётнинг барча қатламларида жорий этилишига эришиш имконини бермоқда.***

Хўш, Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг ўтган йилги фаолияти қандай кечди? Кенгашнинг Президентимиз Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ижросига қўшаётган ҳиссаси нималарда кўринади? Бу жамоат ташкилотининг республика маънавий-маърифий ҳаётидаги мувофиқлаштирувчилик ўрни қандай? Кенгаш ишини янада такомиллаштириш, уни замон тезкор тараққиёти талабларига мос даражага кўтариш учун яна нималар қилиш керак?

Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг 9 январь куни бўлиб ўтган мажлисида шу масалалар кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2000 йил 2 июнида қабул қилган Фармонида маънавий соҳада белгилаб берилган асосий вазифаларни амалга ошириш дастурининг бажарилиши ҳамда Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши иш фаолиятининг 2000 йил якунлари тўғрисидаги масала атрофлича муҳокама этилар экан, бу соҳадаги маънавий-маърифий тадбирларни изчил бажариш Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг асосий вазифаси эканлиги алоҳида қайд этилди.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Кенгаш томонидан «Жамият маънавиятини янада юксалтириш» ва «Аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш» бўйича Дастурлар қабул қилинди, 39та кичик ишчи гуруҳлари тузилди. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, тарғиботнинг узлуксизлигини таъминлаш, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари моҳиятини кенг халқ оммаси онгига чуқур сингдириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга бу борадаги амалий ишлар замон талаблари даражасида олиб борилмаётгани, айрим жойларда маънавий-маърифий ислоҳотлар моҳиятини теран англамаслик, бу ўта муҳим вазифага совуққонлик ёки эътиборсизлик билан қараш, кишилар онгини ўзгартиришнинг халқчил ва таъсирчан усулларидан тарғибот ишларида кенг фойдалана билмаслик ҳоллари мавжудлиги кўрсатилди.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг мажлисида бу камчиликлар очиқ-ойдин кўрсатилди, уларни келтириб чиқарган сабаблар таҳлил этилди, айрим вилоят ҳокимларининг маънавият ишларига етарли даражада эътибор бермаётгани танқид қилинди.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида «Маънавият ва маърифат» марказининг жойлардаги бўлимларини туман, шаҳар ҳокимликлари биносида жойлаштириш талаби бажарилмаган. «Маънавият ва маърифат» маркази Қорақалпоғистон Республикаси бўлими етарли даражада зарурий жиҳозлар ва техник воситалар билан таъминланмаган, у нашр имкониятларига эга эмас. Баъзи туман ва шаҳарларда «Маънавият ва маърифат» маркази ходимлари жамоатчилик асосидагина фаолият олиб боряпти.

Сурхондарё вилоятида ҳам худди шундай ёки шунга ўхшаш камчиликлар мавжуд. Вилоятда ҳанузгача маънавий-маърифий ишларнинг изчил тизими йўлга қўйилмаган. Чекка ҳудудлар маънавий-маърифий тадбирларга кенг жалб этилмайди. Шу мақсадда вилоят телевидение ва радиосининг имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти. Марказнинг Сурхондарё вилояти бўлимининг айрим шаҳар ва туман раҳбарларидан баъзилари йилнинг иккинчи ярмида маош билан таъминланмасдан қолган. Бўлимларнинг хўжалик ҳисобидан фаолият юритиши учун ҳам етарли шароит мавжуд эмас.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини муносиб нишонлаш бўйича республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг оммавий-сиёсий, маърифий-маданий тадбирлари юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Бундан ташқари «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини ўқув жараёнига жорий этишни шу йил январь ойидан бошлаб барча таълим тизимларига киритиш юзасидан амалий таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Мажлисда, шунингдек, Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва шу йил август ойида Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали билан боғлиқ вазифалар муҳокама этилди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари ва Бош вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ҳамда вилоятлар ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари иштирок этди.

**(ЎзА).**



*Ғазалкентдаги «Конмит» қўшма корхонасида тайёрланаётган турли хил печеньелар ва бошқа ширинликларни республикамизнинг кўпчилик шаҳарлари ва туманлари савдо шоҳобчаларида учратиш мумкин. У асосан маҳаллий хом ашё негизида ишламоқда. Ҳозирги вақтга келиб корхона ишчи-хизматчилари сони 250 нафарга етди. Корхона чет элнинг илғор технологияси билан ускуналанганлиги учун ишлаб чиқариш жараёнларининг 90 фоизи автоматлашган ва механизациялашган. Режаларнинг муваффақиятли бажарилиши олинаётган даромад ва соф фойда ҳажмининг ортиб боришини таъминлаяпти. Биргина ўтган йили олинган соф фойда 200 миллион сўмга яқин бўлди. Бу маблағ ишлаб чиқариш жараёнларини янада такомиллаштириш, янги замонавий асбоб-ускуналарни харид қилиб ўрнатиш, ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга сарфланмоқда. Жамоа янги асрнинг биринчи йилини ҳам яхши бошлади.*

*СУРАТДА: корхонанинг илғор оператори Нигора Мираҳметова иш устида.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Анжуман*

## «ЭКОЛОГИЯ, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК»

*«Экосан» халқаро жамғармаси «Оналар ва болалар йили»га бағишланган мақсадли дастурини ишлаб чиқди. Ундан республикамиздаги ижтимоий экологик вазиятни барқарорлаштиришга йўналтирилган муҳим чора-тадбирлар ўрин олган. Дастур «Экология, оналик ва болалик» деб номланди ва куни кеча унинг муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.*

«Экосан» халқаро жамғармасининг президенти Юсуф Шодиметов йиғилишни очиб, дастурда кўзда тутилган асосий мақсад ва вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди. Республика Бош вазири ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова «Она ва бола саломатлигининг экологик ўлчамлари» мавзуида маъруза қилди. Тадбир давомида дастурни амалга оширишда иштирок этадиган вазирликлар, идоралар, жамоатчилик ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар вакиллари жамғарма билан ҳамкорликда ишлаш борасидаги таклифларини баён этдилар. Мазкур Дастур бир овоздан маъқулланди.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

*Истиқлол манзаралари*

## ХАЛҚ БАҲОСИ — ҲАҚ БАҲО

***Йил тугаб, наинки йил, XX аср тугаб, янги асрнинг ёрқин тонги отди. Юз йиллик ҳам бир киприк қоққудек муддатда ўтгандек! Ўтган XX асрда мамлакатимиз ҳаётида бўлган ўзгаришлар, ғам-қувонч ва унутилмас воқеалар бўлганига тарих гувоҳ.***

Яқинда зиёли дўстлар даврасида Ўзбекистоннинг XX асрдаги энг машҳур кишиси ким деган саволга жавоб изладик. Шу ўтган юз йилликка юртимиздан чиққан ҳамма машҳур одамларнинг хизматини фахр ва ифтихор билан тилга олдик. Элимизнинг миллий тил, сиёсат, маърифат ва маънавият фидойилари бўлган Фитрат, Чўлпон, Мунавварқори, Абдулла Қодирий асарларидан эса ёниб-ёниб сўзладик. Юқорида номлари тилга олинган ва олинмаган бошқа улуғларимизнинг Ўзбекистон тарихида ўзига хос ўрни ва мураккаб ҳаёт йўллари ётибди, деган хулосага келдик.

Биз ўтган юз йилликда Ўзбекистон тарихидаги энг катта воқеа, шубҳасиз, Мустақилликка эришганимиз деб тан олдик ва халқимизнинг эришган истиқлолини Юртбошимиз Ислом Каримовнинг номи билан боғладик. Ўз-ўзидан XX асрда Ўзбекистоннинг энг машҳур кишиси Ислом Каримов деб эътироф этдик. Хўш, нима учун биз шундай тўхтамга келдик? Аввало шуни айтиш керакки, гарчи зиёли дўстларим жуда катта лавозимларда ишлашмаса ҳам, лекин уларнинг барчаси халқнинг ичида, халқнинг кўнглидаги гапдан хабардор инсонлардир.

Ўз эътирофимизни ҳам оддий шу қишлоғимиз ҳаётидаги воқеалар, одамлар кўнглидаги нурафшон кунлар ва ўзгаришлар билан боғладик.

Мустақиллик йилларида оддий қишлоқ оиласида нима ўзгаришлар рўй берди? Бугунги кун билан кечаги кун ўртасида қандай тафовутларни сезиб яшаяпмиз?

Қишлоқ одами, аввало, меҳнат билан яшаяпти. Шўро даврида ҳам меҳнат қилган. Лекин бугунги кунда «ўрта қозон» учун эмас, ўзининг қозони учун меҳнат қилаяпти. Бажарган ишининг, пешона терининг самарасини кўриб турибди. У шунга шод, у шунга хурсанд. Томорқасида етиштирган ҳосилини бозорга бемалол олиб бориб сотаяпти. Уни «чайқовчи» деб, топганини ҳеч ким тортиб олаётгани йўқ. Деҳқон эркин, қандай қилсам мўл ҳосил оламан, деб ўйлаяпти. Омборда дони, дастурхонда эса нони бутун.

Оиласида билимдонлик дарахти тобора бўй чўзмоқда. Фарзандлари институтларда, коллежларда, қай бирининг болалари эса ҳатто чет элларда ҳам ўқишмоқда. Уларнинг бугунги ақлларини тинглаб, юртнинг бир корига ярайди, деб ифтихорда яшамоқда. Илгарилари мактаб дастуридан чиқмаган болаларга ўхшамайди, бу болалар. Мактабни битириб, ўқишга кирмаган фарзандлари чет эл билан ҳамкорликда ишлаётган қўшма корхоналарда ишлаяпти.

Қишлоқдаги турмуш тарзи ўзгарди. Боғлар кўпайди, теракзорлар қад кўтарди, гази, суви беминнат. Қўша-қўша иморатлар қад кўтармоқда, улар ичида шўро даврида каталакдек уй солиб, ғиштигача санаб кетганларни юрак оғриқ билан эслаб юрганлар яшашмоқда. Телевизори, радиоси ўзининг тилида гапириб, кўрсатиб ётибди. Тўйлар қилмоқда, диний маросимлар ўтказилмоқда. Хуллас, бир оила бахти унинг ҳовлисида қанот қоқиб юрибди.

Қишлоқ одамининг юрагидаги энг катта бойлиги — бу оила, эл, юрт, Ватан тинчлигидир. Аввало, юртда тинчлик бўлмаса қилган тоат-ибодатинг бекор дейишади, улар. Атрофида бўлаётган гаплардан хабари бор. Оллоҳнинг бу улуғ неъмати Юртбошининг элим деб, юртим деб ёнган юрагидаги фидойиликдир, деб тушунади, улар. Шундай долғали замонда бир юртни омон сақлаб, уни бировга черттирмай, тинчлигини сақлаб туриш марднинг иши, ўзбекнинг ҳақиқий ўғлони қўлидан келадиган жасорат деб баҳоламоқда.

Шўро даврида қишлоқ одамлари Ватан тушунчасини ўйлаб ҳам кўрмаганлар десам хато қилмасам керак. Негаки СССР деган зўравон мамлакат унинг Ватан деган ўйларида ҳеч қад кўтармасди, омонатдек туюларди. Мустақилликдан кейин дўпписини қўлга олиб ўйлаб қолди. Истиқлол туфайли она заминга меҳри булоқдай кўз очгандек бўлди. Ватанни аста-секин англай бошлади, топгани ўзиники эканлигига ишонди, ўзининг юрагидаги гапини баланд овозда айта бошлади, ота юртининг улуғларини, иймонини, ғururини, чинакамига таниди. Мана шу ишларнинг барчаси Ислом Каримовнинг меҳнати билан, пешона тери билан бўлди, деб тушунади.

Қишлоқ одами халқнинг кучига, қудратига ишониб яшайди. Коваклардан чиқиб тинчлигини бузаётган, Юртбошисининг оёғига осилаётган сотқинларни одам ҳисобламайди улар. Шундай суҳбатнинг гувоҳи бўлдим.

— Мулла Норжигит, бу ковакдан чиққанлар нима истайди ўзи, мақсади нима?

— Уларга ҳокимият керак экан. Бири президент, бири вазир, бири ҳукумат бошлиғи бўлмоқчимиш...

— Ие, эси жойидами буларнинг. 25 миллионли халққа бошчилик қилиш, унинг иссиқ-совуғидан хабар олиш қўлидан келармикан? Йўқ, йўқ. Ҳозир Ўзбекистонга фақат Ислом Каримов керак, фақат шу одам эплайди, юртни. Шунинг учун биз уни қўллаб-қувватлаймиз, уни яхши кўрамиз.

Ана шундай XX асрдаги Ўзбекистон тарихида пайдо бўлган бу инсон ҳақида қишлоқ одами қандай содда ўйласа, мен ҳам шундай содда ёздим. XX асрдаги Ўзбекистоннинг энг машҳур кишиси деб эътироф этдик. Бу эътироф халқнинг кўнглидаги гап.

**Ҳамид НОРҚУЛОВ.**

ВИЛОЯТ ҳаёти

## ҲИЁБОННИНГ ИЛК НИҲОЛЛАРИ

***ВИЛОЯТ «Олтин мерос» жамғармаси бир неча йилдан бери қидирув ишларини давом эттириб, Ватан озодлиги йўлида ҳалок бўлганларнинг муборак номларини тикламоқда.***

Қаҳрамонларнинг қолдиқлари эса эҳтиром билан қайта дафн этилмоқда. Айни кунларда Қибрай туманидаги Салор қўрғонида бир гектар ер зиёратгоҳ учун ажратилиб, ҳиёбоннинг илк ниҳолларини экишга тараддуд кўрилмоқда.

**Камолиддин АСҚАРОВ.**

## «ИТЕРА»НИНГ ҲАЙРЛИ ДОРИЛАРИ

***МАМЛАКАТИМИЗДА оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласига мустақилликка эришган дастлабки кундан бошлаб эътибор кучайтирилган эди.***

Кейинчалик эса 2000 йилни «Соғлом авлод йили» ва 2001 йилни «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди.

Бундай хайрли ишларда мамлакатимизда фаолият юритаётган барча ташкилотлар, компаниялар, жамғармаларнинг иштирок этаётгани, айниқса қувончли. «Итера» халқаро энергетика компанияси ҳам бу ташаббусдан четда қолмади.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлимининг Паркент, Юқоричирчиқ, Оҳангарон, Бекобод шаҳарларидаги таянч пунктларига компания ўзининг турли дори-дармонлар билан тўла қутиларини топширди. Бу дорилар кам таъминланган оилалардаги бетоб она ва болаларни даволашга ишлатилади.

**Равшан БЕК.**

## ЕТТИ ОЙДА ЭМАС, БЕШ ОЙДА

***«ОҲАНГАРОНШИФЕР» ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган аёлларга бир қатор имтиёзлар яратилган. Улар мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказилиб, бепул дори-дармонлар билан таъминланади.***

Ҳар бир ишчига 320 сўмдан кундалик овқат пули ҳам бериб борилади. Уларнинг фарзандлари Ҳумсондаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам оладилар.

Яқиндан бошлаб эса корхонада ҳомиладорлик таътилларини 7 ойда эмас, 5 ойда бериш йўлга қўйилди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ҲИССАМИЗ САЛМОҚЛИ

***«Экосан» халқаро жамғармаси «Оналар ва болалар йили» муносабати билан Оролбўйи аҳолисига вазирликлар, корхоналар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар, элчихоналар ҳомийлигида 21 миллион сўмлик озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармонлар жўнатди.***

Бу тадбирда «Экосан» халқаро жамғармаси Тошкент вилояти бўлими, «Ўзбекрезинатехника», «Вилоятсавдо», «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик компаниялари, «Кибо» ва «Конмит» қўшма корхоналари, Ғазалкент ва Янгийўл шаҳар консерва заводлари, «Фазар ЛТД» масъулияти чекланган жамияти ҳамда «Берад» хусусий фирмалари ҳам иштирок этиб, 752 минг сўмлик кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари билан ҳисса қўшдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

## ОЛАМ-ОЛАМ ҚУВОНЧ

***ЖОЙЛАРДА давом этаётган Янги йил байрами кўплаб хайрли тадбирларга уланиб кетмоқда.***

Пскент тумани Қизил ярим ой жамияти ҳамда «Истиқлол» фермер хўжалиги ҳамкорлигида 30 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун уюштирилган махсус тадбирда эсдалик совғалари тақдим этдилар. Шодиёна ва туҳфалар болаларга олам-олам қувонч бағишлади.

**Равшан РУСТАМОВ.**

ВИЛОЯТ ҳаёти

# ОЛМОНИЯЛИКЛАРГА МАЪҚУЛ КЕЛДИ

***Шу боис Зангиота туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги фермасида немис мутахассисларининг тажрибалари асосида сигирлар зотини яхшилаш орқали уларнинг маҳсулдорлигини оширишга киришилди***

ОЛМОНИЯЛИК бир гуруҳ мутахассислар республикамиздаги қатор хўжаликларнинг фермаларидаги иш жараёнлари билан танишдилар. Мақсад ўзларининг талабларига жавоб берадиган шарт-шароитлар яратилган хўжаликлар билан амалий ҳамкорлик қилиш эди. Вилоятимизда фақат иккита ферма – Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг ёрдамчи хўжалиги ҳамда Зангиота туманидаги «Ўзбекистон» хўжалиги фермасидаги ишлар немисларга маъқул тушди.

Бу бежиз эмасди. «Ўзбекистон» хўжалиги раҳбар ва мутахассислари нафақат фермани намунали ҳолатда сақлаш, балки мол туёғини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини оширишга ҳам эришдилар. Ҳозирги кунда фермада 600 бошга яқин қорамол боқилмоқда. Шундан 175 боши соғин сигир. Уларнинг ҳар биридан йилига ўртача 4100 литрдан сут олинади.

Олмониялик мутахассисларнинг таклифига биноан мамлакатимизнинг бир гуруҳ вакиллари Саксония вилоятидаги «Анхальт» чорвадорлар уюшмаси фаолияти, тажрибалари билан танишиш ҳамда ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ташриф буюрдилар. Улар сафида «Ўзбекистон» хўжалиги бошқаруви раиси Равшан Йўлдошев ҳам бор эди. Шу муносабат билан мухбиримиз унга бир неча савол билан мурожаат қилди.

*Ташаббус, изланиш*

**– Равшан Жўраевич, нима учун айнан шу уюшма ишлари билан танишишни лозим кўрдинглар?**

– Биз фермамизни асосан сут етиштиришга ихтисослаштириш, бунинг учун эса аввало, сигирлар зотини яхшилаш ва шу йўл билан уларнинг сутини кўпайтиришни мақсад қилиб қўйганмиз. «Анхальт» уюшмаси ҳам асосан сутчилик йўналиши ва моллар зотини яхшилаш билан шуғулланар экан. Уюшманинг ташкил этилганига бир асрдан ошганлиги ва айни кунларда у 850та хўжаликка хизмат қилаётгани ҳам унинг нақадар бой тажрибага эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Лекин немисларнинг ўз вазифаларига нисбатан меҳру садоқатлари, билим ва маҳоратлари бизни, айниқса, лол қолдирди. Биринчи галда ўрганишимиз ва қатъий одат қилиб олишимиз лозим бўлган асосий тажриба мана шу, деб ўйлайман.

Биласиз, бизда бир сигирдан 4-5 минг литрдан сут соғиб олиш энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Уларда эса, ҳатто, 15-16 минг литргача етади. Бунда, аввало, мутахассиснинг хизмати катта эканлигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Улар ўз ишларининг билимдони ҳисобланадилар. Қўл воситасида сигирнинг бўғоз ёки бўғоз эмаслигинигина эмас, ҳатто, куйикка келганлигини ҳам янглишмай аниқлай оладилар ва зудлик билан сунъий қочиришга киришадилар.

**– Бизда эса сунъий қочиришга лоқайд муносабатда бўлиб, катта маблағлар эвазига сотиб олинган уруғни яхши сақлолмай, эскитиб қўядилар. Бунинг устига малакали бажаролмайдилар. Оқибатда кўнгилдагидек натижага эришилмайди. Шунинг учун бўлса керак, айримлар сигирларни табиий қочирган маъқул дейдилар.**

– Бу гапда ҳам жон бор. Лекин подадаги наслдор буқаларнинг вазнини бирдек сақлаб туриб бўлмайди. Маълум муддатдан сўнг улар оғирлашиб кетади. Немислар эса сигирларни деярли юз фоиз сунъий қочиришни афзал биладилар ва шу мақсадда етти пушти маълум ва машҳур бўлган буқалар уруғидан сунъий қочиришда малакали фойдаланадилар ва албатта, соғлом, кафолатли бузоқ оладилар. Шунинг учун биз уларнинг бу соҳадаги тажрибаларидан фойдаланишни кўнгилга тугиб қўйдик.

**– Бир пайтлар Олмониядан вилоятимизга ғоят наслдор ғунажинлар олиб келинган. Лекин, афсуски, улар бизнинг шароитимизга кўника олмаган, бунинг устига ўз юртларидаги сингари юқори сифатли озуқа билан етарли таъмин этилмаган. Натижада кўплари нобуд бўлиб кетди...**

– Энди давр ўзгарди. Бизда ҳам бозор муносабатлари амал қила бошлади. Фақат фойдани кўзлаб иш қилиш пайти келди. Ҳисоб-китоб қилиб кўрдик. Хўжалигимиздаги моллар наслини яхшилаш учун зотли буқаларнинг уруғидан олиб келиб фойдаланиш арзонга тушади.

**– Аммо, бунинг учун фермадаги шарт-шароит, озуқа базаси ва рацион, мутахассисларнинг малакаси етарли бўлиши керак.**

– Фермамиз мудири, жонкуяр ва ташкилотчи Ҳабибулла Каримов, зоотехник-селекционер Фарҳод Удукбоев, мол дўхтирлари Раҳмонберди Сафаров, Фозил Қодировнинг тажрибалари бу истиқболли тадбирни амалга оширишда қўл келади, деб ўйлайман. Лекин очиғини айтганда, биргалашиб, маслаҳатлашиб, етти ўлчаб бир кесиб, чидам ва сабот билан ишлашга тўғри келади.

Ҳозир бу соҳада баъзи бир тадбирларни амалга оширишни бошлаб юбордик. Сигирларни яна бир бор синчиклаб текширишдан ўтказмоқдамиз. Мақсад – ҳар бир сигир ҳақида аниқ маълумот олиш. Мутахассисларимиз керакли адабиётларни ўқиб, ўз устиларида ишламоқдалар, тажрибаларини бойитмоқдалар, немислар эришаётган ютуқлар сирларини миридан-сиригача ўрганишга ҳаракат қилмоқдалар. Чунки, юқорида айтганимиздек, мақсадга эришишнинг ўзи бўлмайди, бунинг учун анча вақт керак. Дейлик, январь-февраль ойларида сигирларни у ердан олиб келинган уруғлар билан сунъий қочирсак, ноябрь ойига бориб бузоқлайди. Олинган урғочи бузоқлар сараланиб, текширилиб, алоҳида боқилади. Уларнинг вазни 350 килограммга етгач, яъни 2003 йилнинг август-сентябрь ойларида қочирилади ва бу ғунажинлар 2004 йилнинг май-июнь ойларига бориб бузоқлайди.

Биз яна бир вазиятни ҳисобга оламиз. Немислар бизга ўхшаб сигирларни бузоқлаш арафасида махсус хонага олиб кириб, «қамаб» қўймайдилар. Уларга кенг жой, эркин шароит берилади. Сигир ўзи танлаган жойда бузоқлайди. Биз ҳам шунга яқин шароит яратишга ҳаракат қилмоқчимиз.

**– У ерда кадрларга муносабат ҳам ўзига яраша бўлса керак?**

– Мен у ердаги чорвадор уюшмалар фаолияти билан танишиб, «немисча ҳисоб-китоб» деб бежиз айтишмас экан-да, деган хулосага келдим. Уларда ҳар бир нарса ўлчовли, мезонли, меъёрли ва ҳисоб-китобли. Чорвадор кадрларни тайёрлаш тартиби ҳам бутунлай бошқача. Бўлажак чорвадорлар «Иден» махсус техникумида тайёрланаркан. Ўқишга ҳеч ким ўзича киролмайди. Талабаларни фермерларнинг ўзлари танлаб, саралаб, иқтидори, қизиқишини обдон синовдан ўтказиб, «бундан, албатта, фермер чиқади» деган хулосага келгач, йўлланма билан юборар эканлар. Бўлажак фермерлар ўқувида назарий билимлардан кўра амалий машғулотлар ва кўникма ҳосил қилиш жараёнига кўпроқ вақт сарфланаркан.

Хуллас, ҳар бир ишда қатъий белгиланган тартиб ва интизомга амал қилинади. Кимки уни бузса, ўз-ўзидан эътибордан қолади, фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлади. Муҳими, озуқа сифати кафолатланган. Наслчилик ишлари ниҳоятда юқори савияда.

**– Сизларда ҳам шундай тартиб-қоида ўрнатиш учун ҳамма имкониятлар борми?**

– Албатта. Лекин озуқачилик бўйича мутахассис олишимиз зарурга ўхшайди. Бу муаммони ҳал этмасак, ихлос ва иштиёқ билан қилаётган ҳаракатларимизнинг маълум қисми зое кетиши ҳеч гап эмас.

**– Энди пировард мақсадга ўтсак. Айтишингизга қараганда янги асрнинг тўртинчи йилига бориб, немисларнинг зотдор буқалари уруғидан сунъий қочириш йўли билан олинган ғунажинлар ҳисобига сигирлар подаси янгиланади. Ўшандан кейин натижа кутилгандек бўлишига аниқ ишонасизми?**

– Агар биз бу сигирларни рисоладагидек боқсак, ферма бўйича йилига 60-70 тонна қўшимча сут соғиб оладиган бўламиз. Бир литр сут ўртача 100 сўмдан сотилганда ҳам маҳсулдорликнинг ошиши ҳисобига соф даромаднинг кескин кўпайиши аниқ.

Бу бизнинг келгусидаги ниятимиз. Ҳозир кўраётган тадбир-чораларимиз, мутахассисларимизнинг саъй-ҳаракатлари ана шу ниятни бекаму-кўст рўёбга чиқаришга қаратилгандир.

***«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири Носир РИХСИЕВ суҳбатлашди.***

*14 январь — Ватан ҳимоячилари куни*



# ҚАДАМЛАРИ ҲАМИША ШАҲДАМ

Юртимиз сарҳадларини муносиб қўриқлаётган аскарларимизни кўрганда, беихтиёр Юртбошимизнинг «Бизга ихчам, ҳар томонлама кучли, замон талабларига жавоб берадиган армия керак» деган сўзлари ёдга тушади.

Бугунги кунда ўғлонларимиз шижоатли, билимдон, етук аскар бўлиб камол топаётирлар. Улар назарий билимларни зийраклик билан эгаллаб, ҳар қандай мураккаб техникани ҳам бошқара оладиган пишиқ-пухта мутахассислар бўлиб етишмоқдалар. Ҳарбий кийими қуйиб қўйгандек ўзига ярашган аскарларни кўрганда, қалбимизда ҳамиша шукроналик туйғулари жўш уради.

Ватанимизнинг муносиб ҳимоячиларини тарбиялаб вояга етказиш фақат сардорларимизнинг, зобитларимизнинг бурчи бўлиб қолмай, у ҳаммамизнинг ишимиздир. Зеро, Ватан ягонадир, Ватан биттадир. Унинг келажаги, фаровонлиги, тинчлиги учун курашиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимизга айланиб қолаверади. Янги йилда, янги аср бошида қалбимизда ардоқлаган орзу-ниятларимиз ижобат бўлсин, деб ният қилаверамиз.

Ватанимиз сарҳадларини қўриқлашга отланган ёшларимиз ҳамиша сергак бўлишлари, ўзларини пухта билимга тайёрлашлари зарур эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

*СУРАТДА: Ватанимиз посбонлари ҳамиша мана шундай шаҳдам одимлайдилар.*

**ЎзА сурати.**

# «СИЗ ФАХРИМИЗСИЗ»

***Ўз фарзандининг вояга етганини кўрганда ҳеч биримиз оначалик қувонмаймиз. Айниқса, ўғлони йигитлик бурчини ўташ учун ҳарбий хизматга йўл олганда, Ватан ҳимоячисига айланганда онанинг кўнгли ўзгача фахр-ифтихорга тўлади.***

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аскар ва зобитларимизнинг ҳарбий хизматни ўташлари, етарли билим ва тажрибага эга бўлишлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Айни пайтда ота-оналарнинг ўз фарзандлари хизмат қилаётган ҳарбий қисм ва бўлинмаларга боришлари учун ҳам имкониятлар бор. Вилоят хотин-қизлар қўмитасининг саъй-ҳаракати билан ҳудудимиздаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган аскарлар билан ота-оналарнинг учрашувлари мунтазам ташкил этилмоқда.

Ватан ҳимоячилари куни арафасида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари – республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова бошчилигидаги ҳарбий бўлинмаларда интизомни мустаҳкамлаш бўйича республика комиссиясининг аъзолари вилоятимиздаги ҳарбий бўлинмаларга ташриф буюрдилар. Улар бу ерда аскар ва зобитларга яратилган шароитлар билан танишдилар, аскарлар билан мулоқотда бўлдилар.

Шуни айтиш керакки, мазкур комиссия фаол ишлаяпти. Улар нафақат аскарларга яратилган шароитлар, балки, уларнинг маънавий, маърифий билимларини ошириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор билан ёндошмоқдалар, ўз ёрдамларини бермоқдалар. Аскар ва зобитларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганмоқдалар.

Байрам арафасида бўлиб ўтган мулоқотларда ҳам тиббиёт мутахассислари, халқ таълими ходимлари, маҳаллаларнинг оқсоқоллари иштирок этдилар. Учрашувлар ғоятда ҳаяжонли ва мазмунли бўлди. Унда сўзга чиққан Бош вазир ўринбосари – республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова аскар ва зобитларимизни кириб келган Янги йил, янги аср ҳамда Ватан ҳимоячилари куни билан муборакбод этар экан, «Биз сизга ишонамиз, биз сиз билан фахрланамиз», дея юксак ишонч билдирди. Ватан ўғлонлари мустақил Ватанимиз сарҳадларини, халқимиз тинчлигини ҳимоя қилишга ҳамиша тайёр эканликларини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, биз бугун фахрлансак арзийдиган ҳарбий қудратга, аскару зобитларга эгамиз. Улар бор экан, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлади.

Бўлиб ўтган учрашувларда вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят ҳокимининг муовини Сайёра Хўжаева иштирок этди.

***Ўз мухбиримиз.***

*Иқтисод*

***Таъсисчилар ўзаро келишиб ўз «фарзандлари» бўлган қўшма корхонага «Фараз ЛТД» деб ном бердилар. Масъулияти чекланган бу корхона тукли, момиқдай юмшоқ сочиқлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. У Янгийўлда хорижий сармоядорлар билан биргаликда барпо этилган қўшма корхоналарнинг энг кенжаси.***

# ЯНГИЙЎЛНИНГ КЕНЖАСИ

Уни бунёд этишда ўзбек ва покистонлик тадбиркорлар фаол иштирок этдилар. Бир вақтлар ёғоч яшиклар ишлаб чиқарган, кейинчалик бундай маҳсулотга талаб камайиб, банкротга учраган корхона негизида ташкил этилган бу тадбиркорлик тузилмасининг дастлабки қадамлари осон бўлмади, муайян қийинчиликларни босиб ўтишга тўғри келди. Аммо, шерикларининг яқин ҳамкорликда ўзаро келишиб ишлашлари қўл келиб, ташкилий даврдаги муаммолар ҳал қилинди. Барча ҳужжатлар ўз вақтида расмийлаштирилди, томонлар шартномага мувофиқ зиммаларига олган мажбуриятларини тўла бажаришга астойдил интилдилар. Ўзбекистонлик тадбиркорлар қўшма корхонани барпо этиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш майдонини топдилар ва уни янги технологияга мослаб қайта қуришни жадал бошлаб юбордилар. Айни вақтда ишчи кучини бутлашга киришдилар. Покистонлик мутахассислар тўқимачилик касбини биладиган фуқаролар қатори, ҳозирча ҳеч қандай ҳунари бўлмаган ёшларга касб сирларини ўргатишди. Бу тадбирда Тошкент тўқимачилик комбинатининг тажрибали ишчилари ҳам фаол қатнашдилар.

Хорижлик мутахассислар зарур асбоб-ускуналарни қисқа муддатларда етказиб беришди. Уларни ўрнатиш ва созлаш мобайнида ёшлар машина-механизмларни бошқариш йўлларини ўрганиб бордилар. Натижада, улар дастлабки кунларданоқ мураккаб замонавий асбоб-ускуналардан бемалол фойдалана бошладилар. Биринчи кунларда бор-йўғи олти нафар тўқувчидан иборат жамоадаги ишчилар сони кун сайин кўпайиб, 40 кишига етиб қолди. Уларнинг 70 фоизини корхона атрофидаги оилалар аъзолари ташкил этади.

— Бизда қўлланилаётган технологияни осон деб бўлмайди, — деди биз билан суҳбатда қўшма корхона раҳбари Аҳмаджон Умартоев. — Айниқса, калавани тукли ипга айлантириш жараёни ниҳоятда синчковликни талаб қилади. Бу жараён турли кимёвий моддалар эритмасида бир кеча-кундуз давом этади. Унда арзимаган номутаносибликка йўл қўйилса, меҳнат беҳуда кетиши мумкин. Шунинг учун бу жараён муттасил назорат остида бўлади. Маҳаллий ишчилар уни пухта эгаллаб олишди, бемалол уддалашмоқда...

Кенжа жамоа маҳсулот турларини ҳам кўпайтириб бормоқда. Ҳозирга келиб уларнинг тури ўнтага етди. Ўлчамлари ҳам, ранглари ҳам ҳар хил. Ҳар куни 120тага етказиб ишлаб чиқариляпти. Сочиқларнинг янги турларини, шунингдек, халатлар тайёрлашни ўзлаштириш ҳамон давом этмоқда. Бугунги кунда маҳсулот фақат ички бозорга етказиб берилмоқда. Келгусида уни хорижга чиқариш режаси ҳам бор.

— Бунинг учун биз маҳсулот сифатини янада яхшилашимиз лозим, — дейди корхона раҳбари. — Шунинг учун ҳам покистонлик шериклар билан бу масала устида ишлаяпмиз. Чунки, унинг ҳозирги даражаси билан жаҳон бозоридаги кучли рақобатда бошқалардан устун келиш жуда қийин. Бу йўлдаги изланишларни давом эттираяпмиз.

Корхонада иш бир сменада олиб борилмоқда. Бозор талабини ўрганиб, ишлаб чиқариш қувватларидан кенгроқ фойдаланиш мақсадида, меҳнатни уч сменада ташкил этишга тайёргарлик кўрилаяпти. Бу маҳсулот ишлаб чиқаришни камида икки баравар кўпайтириш, қўшимча ишчи ўринларини барпо этиш имконини беради.

«Фараз ЛТД» маҳсулотларига ҳам ички, ҳам ташқи бозорда талаб оша боришига ишонса бўлади. Бу борада жамоага муваффақиятлар ёр бўлишига тилакдошмиз.

***Мирсобир МИРҲАМИДОВ.***

# МУАЛЛИФИ — МАДАНИЯТЧИЛАР

Вилоят маданият ходимлари касаба уюшмаси вакиллари Пскент туманидаги 79-махсус мактаб-интернатда ташкил этилган ҳайрия тадбирининг азиз меҳмони бўлдилар. Улар олиб борган турли хил совға-саломлар бу ерда тарбияланувчилар кўнглини кўтариб, байрам тантаналарига ўзгача руҳ бахш этди.

***Камолиддин АСҚАРОВ.***

# ЁШЛАР ВА ДИН

Юқоричирчиқ туманида «Ёшлар ва дин» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Анжуманда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти раҳбари Абдувохит Суяркулов, туман фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси раиси Марсел Абсалямов, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари Бахтиёр Раҳимов, туман «Камолот» ёшлар жамғармаси раиси муовини Матлуба Тўхтаназаровалар сўзга чиқиб, баъзи бир ёшларимиз билиб-билмай диний оқимларга кириб қолаётганликлари, уларнинг ота-оналари, маҳалладошу қишлоқдошлари бу ҳолатларга эътиборсизлик билан қараётганликлари ҳақида куюниб гапиришди. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, ёшларни баркамол шахслар сифатида вояга етказиш чора-тадбирларини кўриш лозимлигини таъкидлашди.

***Латифжон МАНСУРОВ.***

# «МЕҲР-ШАФҚАТ ЎН КУНЛИГИ»

*Ангренда январь ойининг биринчи декадаси «Меҳр-мурувват ўн кунлиги» шиори остида ўтмоқда. Шу мақсадда ташкил этилган жамғармага тўпланган маблағ 22 миллион 240 минг сўмдан ошиб кетди.*

Бу маблағ ҳисобига 11 минг 120та совға тайёрланди ва арча байрамларида қатнашган ёш ангренликларга тарқатилди. Бундан ташқари, шифохоналарда даволанаётган бемор, туғма ногирон болаларга турли хил совға-саломлар берилди. «Ўзбекрезинатехника», 9-шахта, «Саноатқалинқоғозсавдо» каби саноат корхоналари эса, ўз оталиқларидаги мактаблар, болалар боғчаларига моддий ёрдам кўрсатдилар.

***Мунаввара ИСОҚУЛОВА.***

# ШАРТНОМАНИ БАЖАРГАН ҚАНДИНИ УРСИН

*ҲОЗИРГИ қиш чилласи кунларида кимки қайси хўжаликнинг келгуси йил ҳосилига қандай тайёргарлик кўриб қўйганлигини билмоқчи бўлса, даладаги кузги буғдойнинг бугунги аҳволини кўздан кечириб, техника устахонасидаги вазиятдан хабар топса бас, ҳар ҳолда тасаввурга эга бўлади.*

ЯНГИЙЎЛ туманидаги «Ниёзбош» ширкат хўжалигига шу кунларда борган киши илғорликнинг сири юқоридаги икки муҳим омилда эканлигига ишонч ҳосил қилади. Маълумки, ўтган йили туманда пахта тайёрлаш режаси бажарилмай қолди. «Ниёзбош»ликлар эса тумандаги юки оғир хўжаликлардан бири эканлигига қарамай, ғаллачиликда ҳам, пахтачиликда ҳам шартнома режаларини анча ортиғи билан адо этиб, миллионлаб соф даромадли бўлдилар. Айниқса, ғаллакорлар барака топишди.

— Гап шундаки, хўжалик бошқаруви билан пудратчилар ўртасида тузиладиган шартнома бизда ҳар икки томон учун қонун кучига эга, — дейди бош ҳосилот Шуҳрат Азимов. — Пудратчи шартномада белгиланган миқдордаги донни хўжалик ҳисобига топширади, қолгани ўзиники, ҳеч ким даҳл қилмайди. Шу тартиб қатъий йўлга қўйилгандан буён деҳқонларнинг иши юришиб, кайфияти яхши. Астойдил ишлаб, хўжаликни ҳам ёлчитишяпти, ўзлари ҳам рўзғорларини бутлаб, орзу-ҳавасларига эришмоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам «Ниёзбош» хўжалиги ғаллакорлари буғдойдан ҳар йили бирдек юқори ҳосил олиш, етиштирилган маҳсулотнинг ҳаммасини шартномада белгилаб қўйилган тартибда тўғри тасарруф этиш борасида нафақат туманда, балки вилоятда ҳам бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Аввало, бу хўжаликда буғдой навининг ўз шароитларига мосини адашмай танлаш ва уруғликни сифатли тайёрлаш, энг қулай муддатда экишнинг ҳаддини олишган. Ўғити вақтида берилиб, сувга қондирилган ғалла майсалари қишнинг қаттиқ совуқ кунлари бошлангунча, чуқур илдиз отиб, қалин туплаб, ҳатто, қуруқ совуққа ҳам бемалол бардош берадиган бўлиб қолади. Эрта кўклам ҳамал кириб, ер бағри илигач, тез ривожга кириб, ёппа бошоқлайди, ҳосил эрта пишиб етилади.

*Тараддуд*

Ҳосилотнинг таъкидлашига қараганда, кейинги йилларда хўжалик уруғлик дон етиштиришга ҳам ихтисослаша бошлади. Бу икки томонлама фойдали. Биринчидан, уруғликнинг харид нархи юқори бўлиб, деҳқоннинг қўли яхлит пул кўради. Иккинчидан, ишончли уруғлик панд бермайди, ҳосилдорлик барқарор бўлади.

Бу йил уруғлик учун 500 гектар майдонга «Кияжня» буғдой нави экилди. Яна 530 гектар ерга аввалги йиллари тажрибадан яхши ўтган, хўжалик шароитида юқори ҳосил тўкадиган «Деметра» навли буғдой уруғи сепилди. Дарвоқе, хўжалик ғаллакорлари кузда ерни экишга тайёрлаш чоғида ғалла майсаси учун қиши билан етадиган миқдордаги озуқани бир йўла беришни одат қилишган. Бу сафар ҳам шу тартиб қўлланилди. Ёғингарчилик дуруст бўлгани боис ғалла бир марта қондириб суғорилди. Юқорида айтганимиздек, 1030 гектар майдондаги буғдойнинг ривожи бу йил ҳам пудратчиларнинг омборлари донга тўлишидан далолат бериб турибди.

Хўжаликнинг доимо илғорлар сафида боришини таъминлаётган яна бир омил техниканинг етарли бўлиши ва ишга яроқли ҳолда сақланишидир. Кейинги йиллар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳамма умидни МТПлар хизматига боғлаб қўйиш яхши оқибатларга олиб келмайди. Шунинг учун хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари деҳқончиликда ишлатиладиган асосий техника воситалари ўзларидан чиқишини таъминлашга ҳаракат қилишади. Ҳозир хўжалик ўзининг 6та ҳайдов ва 20та чопиқ тракторига, 5та дон комбайни, 8та ер текислайдиган техникаси, керагича сеялка ҳамда борона ва чизелларига эга. Уларнинг асосий қисми ҳозирданоқ таъмирлаб қўйилди. Қолганлари ҳам январь ойидан нари ўтказилмай, тайёрлик чизиғига келтириб қўйилади.

— Марказий устахонамизда ҳам бутун хўжаликдаги каби ўзига яраша тартиб-интизом ўрнатилган, — дейди устахона мудири Худойберди Ҳасанов. — Бирорта техника тури «ҳозир ишлатилмайди-ку, тураверсин» деб ташлаб қўйилмайди. Уларнинг ҳолатига биринчи галда кимга бириктирилган бўлса, ўша механизатор жавобгар. Таъмирловчилар механизаторлар назорати остида ишлайдилар. Демак, асосий масъулият механизаторлар зиммасида. Шу боис Ориф Абдуҳамидов, Шомурод Деҳқонов каби механизаторларимиз ўзларига бириктирилган техникаларни обдон созлаб, кўкламги дала ишларига шай қилиб қўйдилар.

***Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ.***

# ДИҚҚАТ!

**«Тошкент Телеком» ОАЖ Тошкент вилояти ҳудудидаги абонентларига маълум қилади: 2001 йил 18 январдан бошлаб халқаро телефон алоқаси хизматига тарифлар оширилади: Ўрта Осиё — 280 сўм (ҳар бир тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган сўзлашув дақиқаси учун).**

***МАЪМУРИЯТ.***

# МУБОРАК НАФАС

**_Ойбекнинг замондоши, атоқли шоир Ғафур Ғулом:_**

**_– Ойбек ўзи дудуқ бўлса ҳам китоблари одам билан бийрон гаплашади, – деган эдилар._**

**_Бу гапнинг нақадар ҳақлигини йиллар кечгани сари, Ойбекнинг ёши ошиб, биздан узоқлашгани сари ижоди тобора яқин келаётганини сезиб яшаяпмиз. Чунки, йиллар кечгани сари «Қутлуғ қон» ва «Навоий» романлари тобора салобат кашф этиб бораётир._**

Агар дунё адабиётига назар ташлайдиган бўлсак, адабиёт оламида ўз мактабини яратган адиблар саноқли: Гомер, Фирдавсий, Низомий, Навоий, Ҳофиз, Умар Ҳайём, Шекспир, Гёте, Сервантес, Шиллер, Бальзак, Байрон, Пушкин, Толстой ва бошқалар... Ана шу буюк мактабларнинг аълочи талабаси сифатида йигирманчи аср бошларида Ойбек пайдо бўлди. У ёлғиз эмас эди, албатта. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Яшин, Усмон Носир каби беқиёс иқтидор соҳиблари қаторида туриб, қалам юргизди.

Ўша узоқ йилларда 1955 йилнинг қиш кирган мавсумларида устоз Миртемирни зиёрат қилгани дўстлар билан хонадонларига кирганим ёдимда. У киши Ойбек ҳазратлари билан бир кўчада истиқомат қилар эдилар. Фақат Ойбек домланинг ҳовлилари кўчанинг ўрталарига тўғри келса, Миртемир домла хонадонлари кўча этагидаги сўнгги бино эди... Миртемир домла ҳовлида, чала-чулпа ёққан қор қўнган ниҳолларнинг шохларини силкитиб юрган эканлар.

– Ҳа, аскар болам, келдингми? – дедилар пешвоз юриб келар эканлар. У киши ниҳоятда ўйчан, аллақандай сирли туйғу оғушида ғарқ эдилар. Кўришаётганимизда ҳам у кишидаги паришонлик тарқамади. Шунда мен сабрсизлик билан сўрадим:

– Устоз, соғлиғингиз дурустми?

– Сездингизми? – деб юзимга қарадилар вазминлик билан ва бошдаги Қўқон дўппиларини оҳиста тузатиб кийиб, оҳистагина:

– Устоз Ойбекнинг шеъру достонларига муҳаррирлик қилиб беринг, деб менга топширганди. Муҳаррирлик қаёкда? Олов экан ҳаммаси. Тегсанг қўлингни ҳам, юрагингни ҳам куйдириб юборади. Ўқияпману сеҳрли эртак эшитаётган гўдак мисоли тўлғониб бораяпман. Ҳалиҳамон ўша ҳис оғушидаман. Ҳали-бери шундоқ қолсам керак... – дедилар қўлтиғимдан олиб хонага йўллар эканлар...

Раҳматли Ғайратийнинг Ойбек домла ҳақидаги бир суҳбатлари ёдимга тушади: бир куни ҳозирги Амир Темур майдонида, Ўрта Осиё дорилфунунининг нақ биноси тагида машҳур қозоқ ёзувчиси Мухтор Умархон ўғли Авезов билан Ойбекни учратибдилар. Икковлари ҳам қизғин суҳбатда хаёл паришон бир алфозда эканлар. Ҳатто, улар билан ким кўришиб ўтяпти, ким саломлашиб ўтяпти, англашга ҳам вақтлари йўқ экан. Ғайратий ҳам кўришиб, суҳбатнинг белига тепмаслик учун ўз йўлларига равона бўлибдилар. Уч соатлар чамаси ўтиб, ўша йўлдан қайтаётсалар, ҳамон ўша икки аллома суҳбати боягидай давом этаётган экан, «Тавба, бунча уларнинг гапи тугамайди?» – деб ёнлаб ўтаверибдилар. Кунлардан бир кун Мухтор Умархон ўғли билан ҳамсуҳбат бўлиб қолганда, Ғайратий домла сўрабдилар:

Ойбек билан кеча-кундуз гаплашиб ҳам, гапларинг адо бўлмайди, шекилли?

**_Яхшилар ёди_**

Шунда у муҳтарам зот:

– Ойбек мисоли Сирдарё, Сирдарёнинг суви ҳеч тамом бўлган эмас! – деб жавоб берибдилар.

Йиллар ўтди. Бахтимни қаранг-ки, Ойбек домлага маҳалладош эканман. Ҳар куни бўлмаса-да, унда-бунда кўчада дуч келиб қоламан. Лекин, нима дейишим, ўзимни қандай таништиришимни билмасдан жигарранг дарвозага кириб кетгунларигача қараб турардим. Баъзан дарвозанинг иккала тавақаси ланг очиқ бўлар, ҳов тўрда панжара ўрамаси ичида ёлғиз кийик кўз сузиб, хушёр турар, биргина ёлғиз тут бўйдор сарв дарахти икки қаватли ҳовли этагидаги бинонинг томига етиб қолганини кўрардим.

Кейинча, Ишчилар шаҳарчасининг ўнинчи трамвай айланиб қайтадиган майдонида газета-журнал сотадиган ёғоч дўконча пайдо бўлди. Бу вақт мен саккизинчи синфда ўқир эдим. Ойбек домланинг «Ўзбекистон», «Наъматак» шеърларини, «Қизлар», «Бахтигул ва Соғиндиқ» достонларини ўқиган эдим. «Қутлуғ қон» ва «Навоий» романларидан парчаларни муаллимимиз ўқиб, таништирган дамлар эди...

Қўнжли калош кийган, устида ўша-ўша беқасам тўн, ўшандоқ Қўқон дўппи тўзиқ сочлар устидан бостирилган Ойбек ёғоч дўкон ёнига келиб индамай турар эдилар ва биз газета олаётганда:

– Тўхтанг, варақланг! – дер эдилар тутилиб.

Газетанинг икки бетини очиб, ёйиб турардик. У киши ҳар бир мақоланинг сарлавҳасини пичирлаб ўқиб чиқардилар. Кейин:

– Ойбек ҳақида ҳеч нима йўқми? – деб жилмайиб, тутилибгина сўрар эдилар.

Бизлар у киши ҳақида мақола йўқ, ё борлигини айтардик. Барибир кейин газета олардилар ва аста қадам ташлаб, ўз кўчаларига бурилиб кетардилар.

Эшитсам, газета ва журналларни Зарифа опам оладиган, агар Ойбек домла ҳақида танқидий мақола чиққан бўлса, уни домла кўзидан беркитадиган бўлибдилар. Зарифа опам Ойбек домла асабланиб касал бўлиб қолмасин учун шундай йўл тутган эканлар...

Олтмишинчи йилларга келиб, ўзбек адабиётида устозларга эргашиб Ўлмас Умарбеков, Фарҳод Мусажон, Латиф Маҳмудов каби насрда яна бир бўғин пайдо бўлди. Уларга қўшиб, мени, назмда машқ ўтаётган ёш шоирни устоз «Бошсиз ҳайкал» достоним баҳонасида Москвада чиқадиган «Литературная газета»га ёзибдилар... Бу мен ва ўртоқларим учун энг катта мукофот эди...



«Гулистон» журналида хизмат қилган чоғларимда эса, Ойбек домла ҳузурига бир неча бор боришга тўғри келди. Ўшанда эшикда ўзлари жимгина кутиб олар эдилар. Ҳамма ишда ва ўқишда бўларди-да. Ҳовлининг этагига қурилган икки қаватли уйга бошлар, йўлакка киришимиз ҳамоноқ индамайгина бир пиёла чой узатар, у ерда узун стол устида усти оппоқ дока билан ёпилган каттагина кострюлда тайёр турадиган ё мошхўрда, ё маставадан чўмичда косага шошибгина сузиб, олдимга қўяр, бироз қийналиб:

– Ичинг! – дер эдилар.

Ўшанда юрагимдан кечган туйғуларни айтмайсизми? «Ойбек-а, Ойбек! Биз ҳақда ёзган!» деган сўзлар ички бир ҳайқириқ билан тошиб келар эди...

Сўнгра Ойбек домла ўқувчилар тутадиган оддий ручкани сиёҳдонга ботириб, бинафша рангда, ўз қўллари билан кўчирилган шеърни менга тутқазар эдилар. Суйиниб-суйиниб таҳририятга йўл олар эдим. Бирида суратларини сўраб бордим. Сурат журналда босилди. Сурат тагида у кишига бағишланган, аммо имзо қўйилмаган шеърим бор эди. Уни Ойбек домла ўқиб, устоз Мақсуд Шайхзодага: «Бўлади, бўлади!» – дебдилар. Шу биргина «бўлади» сўзи менга қўшқанот бахш этди, устозларим Шайхзода ва Миртемирларда ҳам менга нисбатан ишонч туғдирган шекилли, улар менга, тенгдош дўстларимга умид кўзи билан қарай бошладилар.

Устоз Ойбек катта, машаққатли ижод йўлини босиб ўтган, ўта камтарин, хокисор инсон, улкан адибдир. Биз шогирдлари шундоқ буюк инсон билан мулоқотда бўлганимиз учун ҳам тақдиримизга шукроналар ўқиймиз.

**САЙЁР.**

# УСТОЗ ШОГИРДЛИК ИЛМИ




_Касб, ҳунар ўрганиш, илм олиш, тарбия, аҳлоқ-одобга ўргатиш қадимдан устоз-шогирдлик асосида шаклланиб, ўз такомилини топиб келган. Шундай вақтлар ҳам бўлдики ўзбек халқининг ана шу тарбия борасидаги удумлари, қадриятлари, анъаналари маълум даражада унутилди._

Якка тартибда ҳунар ўргатишга эътибор сусайди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач эса таълим-тарбия беришнинг ҳалқона, кўп асрлар мобайнида синовлардан ўтган усуллари яна ўз мавқеини эгаллаб қадр топмоқда. Ўқув масканларида — университет, институт, коллеж, лицейларнинг таълим-тарбия тизимларида, дастурларида ифодасини топиб муносиб тарзда тажрибали ўқитувчилар томонидан назарий ва амалий қўлланилмоқда.

**_Янги китоблар_**

«Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонун мазмунида ҳам таълим ва тарбиянинг ўзаро бирга, узвийликда олиб бориш иши муҳим эканлигига эътибор қаратилганлиги бежиз эмас. Шунинг учун илм аҳли, ижодкор педагоглар ўқитишнинг миллий, анъанавий томонларига алоҳида ёндошиб бу борадаги тавсияномалар, маърузa матнлари, рисолалар, ўқув-қўлланмалари ва дарсликлар яратишга ҳаракат қилмоқдалар. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан чоп этилган «Шарқона «уста-шогирд» одоби» номли методик қўлланма ҳам ана шундай саъй-ҳаракатлар, изланишларнинг самараси сифатида ўз қадрини топади, деб ўйлаймиз. У академик С. С. Ғуломов ва профессор С. С. Булатов ҳаммуаллифлигида ёзилган, профессор Қ. Аллаев таҳрири остида чиқарилган бўлиб, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар, мураббийлар, ўқитувчи-ҳунармандлар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Ундан асосан «Ёшларга ҳунар ўргатишнинг миллий, анъанавий асбслари», «Ота-онанинг фарзандига ҳунар ўргатаётган устознинг олдидаги бурчлари ва муносабат маданияти», «Уста-шогирд» одоби модели» мавзулари ўрин олган ва атрофилича, тарихий манбаалардан фойдаланилиб ёритиб берилган. Шунингдек, «Устоз ва шогирд одоби» (ҳунар ўрганувчилар учун) мўъжаз плакатиловалар қўшимча қилинган бўлиб, улар «Ҳунарманд ва ҳаридор ўртасидаги муносабатларда одоб мезони», «Устознинг касбий фазилатлари», «Ҳунармандларнинг касб маданияти», «Устознинг шахсий фазилатлари», «Шогирд одоби қоидаси», «Шогирднинг устоз олдидаги бурч ва вазифалари», «Шогирдлар руҳий оламининг муҳим замини» кабилардан иборат...

Ўйлаймизки, кўплаб зарур маълумотларни, илмий-методик тажриба ва қимматли фикрларни ўзида қамраб олган рисола касб-ҳунар, таълим-тарбия соҳаси мутахассислари ва уларнинг талабаларига ўқув жараёнида яхши кўмакчи бўла олади.

**_Баҳром ТОЖИЕВ, Ўзбекистон Бадиий Академияси ижодкорлар уюшмасининг аъзоси, мусаввир-педагог._**

## ТЕЗЮРАР ЙЎНАЛИШЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ

Бугунги кунда поездлар қатновини янада жадаллаштириш, улар тезлигини ошириш билан боғлиқ муҳим техник тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. «Ўзбектрансқурилиш» давлат уюшмасига қарашли «Гипротранс» ташкилоти мутахассислари яратган қатор янги лойиҳалар бевосита шу мақсадларга қаратилди.

Салор — Хўжакент тезюрар темирйўл йўналиши бўйича лойиҳа шундай тайёрланмоқда. Унда темирйўл йўналишининг техник асослари ҳам ўз ифодасини топади. Ангрен — Поп темирйўл йўналиши бўйича техник-иқтисодий ишланма ҳам тайёр бўлди ҳисоб. Бу хил лойиҳалар темирйўллар қурилишида, бунёдкорлик ишларининг энг замонавий усулларини қўллашда амалий аҳамиятга эга бўлади.

**_Акбар АЛИЕВ._**



_Ғазалкент шаҳри аҳолисининг кўпчилиги «Шодлик» жамоа корхонаси тикувчилари хизматидан фойдаланишяпти. Корхона чеварлари уларнинг буюртмаси асосида турли кийим-кечаклар тикиб, ўзларининг сифатли ишлари билан мижозларнинг ҳурматига сазовор бўлишяпти. Ушбу суратда жамоа корхонаси аъзоларининг бир гуруҳини кўриб турибсиз._

**_Владимир ПОРТНОВ олган сурат._**

# XXI asr va dunyo

**Mamlakatlar & Odamlar & Voqealar**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

● БМТ 1999 йилнинг ноябрида «Толибон» ҳаракатига қарши эълон қилинган халқаро иқтисодий жазони бироз енгиллаштиришга қарор қилди.

БМТ қарорига кўра, Афғонистоннинг «Ариана» ҳаво йўллари компанияси ўзининг хорижий банклардаги маблағларидан яна фойдаланадиган бўлди. Шунингдек, «Толибон» ҳаракати мамлакат ҳудудидан учиб ўтувчи хорижий самолётлардан келадиган даромаддан ҳам фойдаланиши мумкин.

● Покистон ташқи ишлар вазири Абдулсаттор мамлакат ҳарбий ҳукумати раҳбари Парвез Мушаррафнинг Ҳиндистон Бош вазири Атал Биҳари Важпаи билан музокара ўтказишга тайёрлигини билдирди.

Расмий Исломобод икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни яхшилашга хизмат қиладиган бу музокарани Деҳлида ташкиллаштиришга ҳам тайёр, деди вазир.

● АҚШ ҳукумати расмий Белградга қарши қўллаётган иқтисодий жазосини яқин вақтларда бекор қилиши мумкин. Бу ҳақда Югославия ташқи ишлар вазири Горан Свиланович маълум қилди.

Унинг айтишича, транспорт, молиявий ҳамда савдо борасидаги чекловлар тўхтатилади.

● Буюк Британия ҳукумати Косовода жиноий гуруҳларга қарши курашувчи махсус полиция бўлимини очмоқчи.

Бу бўлим, асосан, ўлкадаги наркотик моддалар савдоси ҳамда ноқонуний муҳожирларни Европага ўтказиш билан шуғулланаётган гуруҳларга қарши кураш олиб боради.

● Япония ташқи ишлар вазири Иохэй Кононинг хорижий давлатларга сафари бошланди.

Вазир ўн кун давомида Қатар, Бирлашган Араб Амирлиги, Қувайт, Саудия Арабистони, Швеция ҳамда Россияда бўлади. У мазкур давлатлар расмий вакиллари билан учрашиб, мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш ҳамда минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан музокаралар ўтказади.

**_Жаҳон маданияти юлдузлари_**

# ҚЎЛҚОҒОЗГА ЁЗИЛГАН МЎЪЖИЗА

**_Жаҳон адабиётида кишилик тарихининг даврий манзарасини акс эттирган, ўқувчилар қалбини ларзага солган асарлар, эҳ-ҳе, қанча! Лекин бу асарларнинг ҳаммаси ҳам мингйилликнинг машҳур китоблари сифатида эътироф этилмайди. Ҳамма бир овоздан швед Астрид Линдгренни «Аср аёли» деган бўлса, инглиз аёли Жоан Кэтлин Роулингни «Гарри Поттер» қиссаси энг ажойиб асар унвонига сазовор бўлди. Гарри Поттернинг номи ҳозир жаҳоннинг ҳамма бурчагида таниқли. Қиссанинг ўзи 200 тилга таржима қилинган. Умумий 66 миллион нусхада чоп этилди. Хаёлпараст, митти сеҳргар Гарри Поттернинг муаллифи Жоан хоним тақдирининг ўзи эртакка ўхшайди._**

Жоан Кэтлин Роулинг болалигида оддийгина, ҳеч қандай имтиёзлари йўқ мактабнинг ўқувчиси эди. Юзларини сепкил босган, бақалоққина қизга биров эътибор бермас эди. Ўқувчилик йилларидан кейин ўсмирлик паллалари ҳам унга бирорта шодлик келтирмади. Ҳатто муҳаббати ҳам омадсиз бўлди. Якка ўзи, ёлғиз қизи Жессикани тарбиялашга бор-йўғини сарфларди. Оладиган озгина ёрдам пули ҳеч нимага етмасди. Она-бола чала иситилган уйда бир амаллаб яшарди. Жессика мактабга йўл олгач Жоан уйининг рўпарасидаги камтаргина қаҳвахонага борарди. Бир чашкадаги қаҳвага тикилиб, соатлаб ўй суриб ўтирарди. У ҳамма нарсани ўйларди. Орзулар денгизида сузгани сузган эди. Гоҳида қўл артадиган қоғоз — салфеткага шитоб билан нималарнидир ёзиб ташларди, кейин яна хаёлга чўмарди. У қўлқоғозга ўзи банд бўлган хаёлий олам ҳақида эртаклар ёзарди, мўъжиза кутиб яшарди.

Бир куни у қўлқоғоздаги ёзувларни тартибга келтирди. Оққа кўчирди. Кейин Лондондаги нуфузли саналган «Блумбери» нашриётига топширди.Ноширлар Жоан хонимга 4 минг доллар тўлашди. Инглизча ҳисоб-китобларга қараганда бу унча катта маблағ бўлмаса ҳам «ёш ёзувчи»нинг боши осмонга етди. Менга теккани шу экан, деб борига бозор қилди.

Мўъжиза Жоан Кэтлин кутмаганда рўй берди. 1997 йилда унинг илк китоби «Гарри Поттер ва ғаройиб тош» қиссаси босилиб чиқди. Мана шунда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа содир бўлди: китоб дўконларига одамлар сиғмай кетди. «Гарри Поттер» бир-икки кундаёқ сотиб бўлинди. Ҳатто муаллифнинг ўзига ҳам тегмай қолди. Сотувчилар бу китобнинг нимаси яхши экан, деб бош қашлаганча қолаверишди.

Китобсеварларнинг «иштаҳа»сини кўрган ноширлар Жоан Кэтлинни ҳоли-жонига қўйишмади. Чунки темирни қизиғида босган маъқул-да. 1998 йилда «Гарри Поттер» ва «Сирли хона», 1999 йилда «Гарри Поттер» ва «Асбакан тутқуни» қиссалари дунё юзини кўрди. Яна ўша аҳвол юз берди: бир ҳафтага қолмаёқ барча китоблар қўлма-қўл бўлиб кетди. Гарри Поттер деган номда қандайдир сеҳр-жоду борга ўхшарди. Унга кўзи тушган одамларнинг чеҳраси ёришиб кетар, бир қўли китобга чўзилса, иккинчиси ўз-ўзидан чўнтакка суқиларди. Бунисини ҳам қўятурайлик. Бутун дунё бўйлаб Гарри Поттер мухлисларининг клублари пайдо бўла бошлади. Голливуддаги кино усталари Гарри Поттер ҳақида фильм яратишга қарор қилишди.

Ва ниҳоят 2000 йилда Кэтлиннинг китоби яна биттага кўпайди: «Гарри Поттер ва олов учқуни» қиссаси чоп этилди. Чоп этилганда ҳам Англияда 1 миллион, Америкада салкам 5,5 миллион нусхада босилди! Ҳаммаси сотилди. Одамлар китоб дўконлари олдига ҳали тонг отмасданоқ етиб келиб навбатда туришарди. Жоан Кэтлин Роулингни номи миллиардлаб китобхонларнинг дил тўридан жой олди. Шундай қилиб, бир пайтлар ўзини ҳаммадан бахтсиз ҳисоблаган, бир чашка қаҳва тепасида сўнгсиз хаёллар сурган аёлнинг кутган мўъжизалари ҳақиқатга айланди. Иккинчи чашкадаги қаҳвани ичгиси келса ҳам пул тўлашга қурби етмаган аёл, бугун машҳури жаҳон бўлиб ўтирибди. Унинг бир йиллик даромади 20 миллион доллар! Инглиз матбуоти қойил қолиб ёзганидек у асло-асло мағрурланмади, ўша-ўша камтар, камсуқум Жоан Кэтлинлигича қолди. У ҳали ҳам ўша, ўзининг орзуларига, хаёлларига ошно бўлган қаҳвахонага боради. Ўша столда бир чашка қаҳвани «Олдига қўйиб олиб, ёзишда давом этади. Қаҳвахона эгаси эса столни артиб-



суртиб авайлайди. Чунки шу стол унинг қаҳвахонасини Лондонга машҳур қилди-да. Яна бир ибратли ҳолат: Жоан хоним дунёнинг ҳамма бурчагидан ўз номига келган хатларга, албатта, жавоб ёзади.

Оддийгина эртакларнинг бунчалик шов-шув бўлиб кетишига сабаб нима экан? Унинг давомини учинчи мингйилликда ҳам ўқиймизми? Буни адибнинг ўзидан сўрсакмикин? Жоан Кэтлин Роунинг хоним қаҳвахонадаги столга ўтириб, хаёл суриб, қалам юргизар экан, албатта, ўқиймиз, Гарри Поттернинг машҳурлигига сабаб эса бу сеҳргар болакай ҳаммамизнинг дилимиздаги энг эзгу туйғуларимиз, ушалмас орзуларимизга ҳамдам бўлса, унинг мисолида қалбимиздаги орзулар ўз ижобатини топган бўлса, не ажаб.

**_Темир ЙЎЛДОШЕВ._**

### ҚОЧҚИНЛАР МУАММОСИ

Тожикистон афғонистонлик қочқинларни қабул қилишга ҳали тайёр эмас, деди Тожикистон ташқи ишлар вазирлиги вакили Игор Саттаров.

Унинг айтишича, қочқинларнинг Тожикистонга ўтиши мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни оғирлаштириши мумкин. Чунки, қочқинлар орасида нафақат тинч фуқаролар, балки қуролланган одамлар ҳам бор.

### ЖАМҒАРМА УЛУШИ КЎТАРИЛАДИ

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) директорлари кенгаши Хитойнинг ХВЖдаги улушини 8,4 миллиард АҚШ долларига кўтаришга қарор қилди.

Илгари бу кўрсаткич 6,2 миллиард долларни ташкил қилар эди. ХВЖ вакилининг билдиришича, 1997 йилда Гонконгнинг яна Хитой таркибига киритилгани Пекиннинг жамғармадаги улушини оширилишига сабаб бўлди.

### ТИНЧЛИК САРИ ЙЎЛ

Шимолий Корея АҚШ билан тезроқ тинчлик битимига эришиш ниятида. Бу Корея яриморолида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамланиши ҳамда шимол билан жанубнинг бирлашишида муҳим аҳамиятга эга бўлади, деди расмий Пхенян вакили.

## БУ дунёнинг ИШЛАРИ

● Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудларида об-ҳавонинг кескин совиб кетиши натижасида юзга яқин одам қурбон бўлди.

Хабарларга қараганда, ҳарорат 18-22 даражагача совиб кетган. Одатда шимолий ҳудудларда об-ҳаво ҳарорати нол даражадан пастга тушмас эди. Нобуд бўлганларнинг кўпчилиги уй-жойи йўқ одамлардир.

● Хитойлик олимлар шу йил ўнинчи январь оқшомида янги асрнинг биринчи ой тутилиши юз беришини маълум қилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу ҳодисани Американинг шимолий ҳудудларида, Африка, Европа ва Осиё, шунингдек, Тинч океани ғарбидаги давлатларда бемалол кузатиш мумкин. Ой тутилиш уч соату 17 минут давом этади.

● Ҳиндистон ҳукумати Ғарбий Бенгалия штати маъмурий маркази - Калкутта шаҳри номини Колкатта, деб ўзгартиришга қарор қилди. Ҳукумат вакилининг айтишича, шаҳарнинг тарихий номи шундай. У инглизлар мустамлакаси даврида Калкутта, деб атала бошланган.

Илгарироқ Бомбей ва Мадрас шаҳарларининг тарихий номи ҳам тикланган, жумладан, Бомбей - Мумбай, Мадрас эса Ченнай, деб ўзгартирилганди.

**_(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ)._**

*Ибратнома*

# ФАҚИРНИНГ ДУОСИ

***Аввало нақлга қулоқ тутинг: «Дуо билан эл кўкарар, ёмғир билан ер кўкарар». Қарангки, киши қанчалар яхши ишларни ихтиёр этса, шунчалар кўп олқишга сазовор бўлади. Дунёдаги энг олий мукофот бу чин ихлос билан олинган дуодир. Ҳадиси шарифларда ҳам айтиладики: «Уч хил дуо бордирки, у шаксиз мустажоб бўлгай: ота-онанинг фарзанд ҳақига қилган дуоси, мусофирнинг дуоси, мазлум кишининг дуоси».***

Ривоят қилишларича, тоғ этагида бир қабила яшар, қабила аҳли асосан чорва боқиб, насибасини териб ер экан. Шу қабилада бир йигит бўлиб, у одамларнинг кир-чирларини ювиб, тирикчилик қилар, лекин шу даражада дилозор эканки, ундан безор бўлмаган одам қолмабди.

Кунлардан бир куни қабила аҳли Мусо алайҳиссаломга арз қилишибди: «Э, Оллоҳнинг пайғамбари, Мусои кароматуллоҳ, бизга ёрдам беринг, токи биз тилида тикон унган бу дилозордан халос бўлайлик. Сиз пайғамбарсиз, тилагимизни Оллоҳга тезроқ етказинг». Мусо алайҳиссалом қабила аҳлининг истагини бажо келтириш учун бир сафар Оллоҳга илтижо қилибди: «Э, Оллоҳ, бу қабила аҳли бўлган бандаларингни зўр ташвишдан ўзинг халос эт».

Яна тонг отибди. Кирчи йигит бир сават энгил-бошларни йиғиб, бошига қўйибди-да, тоғдаги булоққа йўл олибди. Ўз иши билан машғул бўлиб, ёнига бир фақир кимсани келиб қолганини ҳам сезмабди.

— Э, Оллоҳнинг бандаси, менга раҳминг келсин, — дебди у, — бир ҳафтадан бери туз тотганим йўқ, мабодо бир бурда нонинг бўлса берсангу танамга андак бўлса ҳам қувват кирса...

Кирчи йигит уни боплаб сўкмоқчи бўлибди-ю, илтижо билан боқиб турган кўзларидаги андуҳга тоқат қилолмай ёнидаги уч дона кулчасидан биттасини берибди: «Ма, еб, нафсингни қондиру, бу ердан жўнаб қол», дебди. Фақир кимса нонни ебди, булоқдан сув ичибди. Оллоҳга шукроналар айтиб, йигитни дуо қилибди: «Мендек бир нотавоннинг илтижосини қайтармадинг, Оллоҳ сени бало-қазодан ўзи асрасин».

Умрида заҳарли сўзларига лаънатдан ўзга нарса эшитмаган йигитнинг дили бу дуодан ийиб кетибди. Яна бир кулчасини берибди. Фақир уни ҳам еб, яна дуо қилибди: «Қалбингдаги карам уммони доимо мавж урсин, Оллоҳ сени бало-қазолардан ўзи асрасин». Кирчи йигит учинчи кулчани ҳам фақирга ҳадя этибди. Фақир учинчи кулчани ҳам еб, нафси ором олибди. Яна қўлларини дуога очибди: «Сени шунчалар саховатли қилиб ўстирган ота-онангга раҳматлар бўлсин. Оллоҳ сени бало-қазолардан ўзи асрасин».

Бу пайтда қабила аҳли йигитдан қутилдик деб шодланиб турганида, у соғ-саломат, бошида ювилган кирлар тўла сават, тоғдан тушиб келибди. Одамлар уни кўриб, ҳайратдан қотиб қолибдилар. Яна Мусо алайҳиссаломнинг ҳузурига чопибдилар: «Ё, Мусои кароматуллоҳ, сизнинг илтимосингиз Оллоҳга етиб бормаган кўринади, йигит соғ-саломат тоғдан тушиб келди. Энди бу ерларни тарк этиб ўзга жойдан макон топишдан ўзга иложимиз йўқ». «Ўша йигитни буёққа чақиринглар», дебдилар Мусо ҳазратлари. Йигитни бошидаги савати билан олиб келибдилар.

— Саватингдаги нима? — деб сўрабдилар пайғамбар.

— Аҳли қабиланинг кийимлари, — жавоб берибди йигит.

— Эй, одамлар, ўз энгил-бошларингизни олинглар, — дебдилар Мусо алайҳиссалом. Барча ўзига тегишли нарсаларни олибди. Не кўз билан кўрсинларки, кирларининг тагида катта қора илон кулча бўлиб ётган экан.

— Эй, жонивор, бошингни кўтар, тилга кир, — дебдилар Мусо ҳазратлари. Илон шу онда бошини кўтариб, тилга кирибди: «Эй, кароматли Мусо пайғамбар, мен Оллоҳнинг амри билан шу йигитни чақириб ўлдиришим керак эди. Лекин бу йигит тоғда фақир кимсанинг илтимосини адо этиб, унинг уч бора дуосини олди».

— Ул фақир нима деб дуо қилди? — сўрабдилар Мусо ҳазратлари.

— «Сени Оллоҳ бало-қазолардан ўзи асрасин». Шул сабаб уни чақолмадим. Шу дуолар йигитга қалқон бўлди. Мени эса Тангри бу воқеага гувоҳсан, деб буёққа юборди.

— Эй, аҳли қабила, — дебдилар Мусо алайҳиссалом, — Оллоҳ ҳар нарсани билгувчи, ҳар яхшиликни ижобат этгувчидир. Бас, шундай экан, бир-бирингиз билан яхши муомалада бўлинг, бир-бирингизни дуо қилинг.

Айтишларича, тили заҳар йигит комил инсон бўлиб камолга етган экан.

Тилимизни ҳар лаҳзада тийиб, жаҳл отига қамчи босмасдан, жаҳолат бўронини тизгинлаб, саховат денгизидан баҳраманд бўлайлик. Қўлимизни дуога очиб, бир-биримизга инсофу диёнат, файзу барокот тилайлик. Унутмайликки, Ҳадисларда айтилганидек: «Кишининг гўзаллиги тилидан билинур».

***Темур УБАЙДУЛЛО.***

*Шеърият*

# КЎЗИДА ЗИЁСИ БОР

*Юртим қизларининг ибоси бор,*
*Қоматига ярашган либоси бор.*
*Кўчалардан ўтганда кўриб қолинг,*
*Кўзларида куйдиргувчи зиёси бор.*

*Юзларида ҳиндудайин ҳоллари бор,*
*Дарвозасин ёнларида толлари бор.*
*Алпомишни асир этар кулгичлари,*
*Сўзлаганда тилларида боллари бор.*

*Давраларни рақс тушса бўшатмайди,*
*Қошларини ҳатто рассом ўхшатмайди.*
*Эшигидан аримайди совчилар ҳам,*
*Қайси она жон деб патир ушатмайди.*

*Йигитларни куйдиради таманноси,*
*Таманнога туққанмикин ё онаси?!*
*Юрак қурғур тинчимайди бир кўрмаса,*
*Бўлсам дейди бир умрлик парвонаси.*

*Чарх уради доим дилда шундай ҳаёл:*
*Қўшиқларим тингласайди соҳибжамол.*
*Гўзал қизлар, изингиздан гуллар унсин,*
*Этагингиз теккан ерни ўпсин шамол.*

***Фозилжон АНОРОВ.***

*Вилоят ИИБ матбуот маркази хабар қилади*

## УЗОҚҚА БОРОЛМАДИ

«Қора дори» тадбирини ўтказиш жараёнида Бекобод шаҳридан Тошкент шаҳри йўналиши бўйича кетаётган «Нексия» автоулови ҳайдовчиси Юсуф исмли кимса ДАН ходимларини шубҳага солди.

Унинг автоулови кўздан кечирилганда, ўнг томондаги эшикнинг ички қисмидан 2 кг «героин» гиёҳванд моддаси борлиги аниқланди. Оғу олиб кетаётган автоулов узоққа боролмади.

## ИШРАТ БАЛОСИ

Янгиобод шаҳрининг Қизилтоғ қўрғонида яшовчи М. ҳамтовоғи Е. билан спиртли ичимлик истеъмол қилиб, жанжаллашиб қолишди. Жанжал оқибатида Е. калтак зарбидан хушидан кетди ва воқеа содир бўлган жойда вафот этди.

Ҳозирда М. қилган иши учун қонун олдида жавоб бермоқда.

## ТОВЛАМАЧИЛАР ЧУВ ТУШДИ

Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Шаҳрамбек ва Сергейлар ўзаро жиноий тил бириктириб, ҳамшаҳарлари Василийдан товламачилик йўли билан 1.005.000 сўмлик сариқ металлдан ясалган буюмларни олиб кетганлар.

Эндиликда бировларни алдаш эвазига, ўз ҳамёнларини тўлдириб бойимоқчи бўлган товламачиларнинг қилмишлари ошкор бўлиб, терговчи берган саволларга жавоб изламоқдалар.

## ҚОТИЛ УШЛАНДИ

Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилган уй бекаси Ольга Югай ва у билан бирга нафақахўр Борис Филиннинг уйидан жасадлари топилди.

Олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижасида ушбу мудҳиш қотилликни ҳеч қаерда ишламайдиган Александр Филин содир этганлиги аниқланди. Бугунги кунда икки инсон ҳаётига зомин бўлган қотил ушланди.

***Рустамжон ПИРМАТОВ,***
***вилоят ИИБ матбуот маркази ходими.***

*Бекажон*

## ЭСКИНИ ТИКЛАШГА ЭСИНГИЗ КЕТМАСИН

● Ажойиб матодан тикилган кўйлакни қайта ишлаш жуда қийин туюлади. Лекин бунинг ҳам иложи бор. Бошқача матодан кўкрак бурмаларини, чўнтакларини, ёқаларини, енглари, манжетларини тикинг. Калта келиб қолган бўлса, этагига ёки белига тўқима тўр уланг. Қарабсизки, ҳамма ҳавас қиладиган кўйлак пайдо бўлади.

● Эскиб қолган кофта ёки эркаклар кўйлагини ҳам янгиласа бўлади. Бунинг учун уларнинг ёқаларини алмаштирасиз ёки орқасини ўгириб, тикасиз. Енгига эса, манжет ўрнатасиз. Мабодо уларнинг енгини калта, ёқасини тик қилиб қайта тиколсангиз, ёзда кийсангиз ҳам бўлади.

***Матлуба МАҲМУДХЎЖАЕВА тайёрлади.***

# ҚАЛБ СИРИ

*Сир... У қалб тубидаги ҳамма-ҳаммадан беркитилган кўнгил гавҳари, азиз хислардир. Гоҳида инсон шундай тушкунликка тушадики, чорасиз қайси йўлни танлашни билмаганда, бирор кимсадан мадад кутади ёки маслаҳат олгиси келади. Ана шунда билиб-билмайгина сирини ошкор этиб қўйганини ўзи ҳам сезмай қолади.*

... Наргиза табиатан хушчақчақ, гапга чечан, истарали қиз. Ақлли-хушлигина бу дугонам йигитлардан доим ўзини тортиб юрарди. Мактабда синфдош йигитларнинг бир-иккитаси севги изҳор қилганида, босиқлик билан жавоб қайтарган. Улар билан фақатгина дўст бўлиб қолишини айтиб, ҳурматини сақлаб қолган эди. Мактабга доим бирга қатнаганимиз учунми, бир-икки кўча нарида турадиган йигитни ёқтирар эди. Мен буни сезардим, чунки, у ҳақда гапирганида кўзлари чақнаб, қувониб кетарди. Лекин бирор марта у йигитнинг ёнидан ўтмас, тўсатдан рўбарў келса, кўзларини ерга қадаб, уялибгина ўтиб кетарди.

Биз мактабни битирдик. Биримиз ишга, биримиз ўқишга кетдик. Айрим синфдош қизларимизни эса турмушга бериб юбордилар. Наргиза ҳам институтга кирди. Ўша йигит ўқийдиган институтга. Фақат улар бошқа-бошқа факультетда эдилар. Ўзим билан ўзим овора бўлиб, дугонамни йўқлашга ҳам вақт тополмасдим. Бир куни уни кўчада кўрдим. Ҳар галгидек кулиб сўрашди. Ҳамма янгиликларни айтиб бўлгач, гап айланиб яна ўша йигитга тақалди.

– Ҳали ҳам гаплашмайсанми, Наргиз? – деб сўрадим. У кулди-да:

– Э, уяламан гаплашишга, – деди-ю, қизариб кетди.

Наҳотки, дугонамнинг ибоси шунчалик кучли бўлса! Бир маҳаллада турсаю, бир институтда ўқисаю, лоақал бирор марта гаплашмаса?

Бир куни ишдан қайтаётсам, карнай-сурнай овозлари эшитилмоқда. Ҳайрон бўлиб: «Ойижон, қаерда тўй бўлаяпти?» – деб сўрадим.

– Азиза опа ўғлини уйлантираяпти, – дедилар. Юрагим шув этиб кетди. Беихтиёр: «Кимга?!» – деб юборибман. «Азиза дугонасининг қизини олиб бераётган экан», – дедилар ойим. Кўзимдан ёш чиқиб кетай деди. Наргиз ҳозир нима қилаётган экан-а, у ҳам карнай-сурнай садоларини эшитаётгандир. Ҳар куни эшиги ёнидан ўтаётиб, остонасига умидла боқиб, келин бўлишни орзулаб юрган, кўнглини айта олмай, минг истиҳола билан яшаётган дугонажоним, ахир сени бу муҳаббатингга кимдир зор эди. Бу садоқатингга кимлар ташна эмас .эди?!

*Турмуш чорраҳаларида*

Кунлар ўтиб, яна Наргизани учратиб қолдим. Ҳар доимгидек қувноқ, бироқ кўзларида, қалбида қандайдир мунг бор эди.

– Дугонажоним, сен билан роса гаплашгим келаяпти, юр бирор ёққа борайлик, – деди. Шу тобда у кимгадир ёрилиши керак эди... Бўлмаса...

Ҳиёбон четидаги ўриндиққа бориб ўтирдик. У нимадан гап бошлашни билмай:

– Гўзал, мен бир хато иш қилиб қўйдим. Энди нима қиламан? – дедию, йиғлаб юборди. Сўнгра кўз ёшини артиб гап бошлади. – Мен Олимга қиз қидиришаётганини эшитганимда, ичим узилиб кетай деди. Умид қилдим, кутдим. Аммо унинг хонадонидагилар бошқа қизларга совчиликка боришардию ёнидагини кўришмас эди. Биласан, Лола билан дугонаманку. Бир куни Лолага шунча йилдан бери ҳаммадан беркитган сиримни айтдим. Ахир Лола унинг жияни-ку. Айтишга-айтиб қўйдим, лекин роса ачиндим. Ҳеч кимга айтмаслигини илтимос қилдим. Ҳатто қиёматгача сенга омонат деб, сиримни омонатга топширдим. Бу дунёда ўзи ҳеч кимни яхши кўриш керак эмас экан.

Наргиза гапирардию, кўзларидан ёшлар қуйилиб келарди. Мен уни нима деб юпатишни ҳам билмас эдим. Фақат:

– Бекор айтибсан, Наргиз. Балки Лола ҳеч кимга айтмас, – дея олдим, холос. Шунда Наргиз:

– Э, менимча гапириб бўлган. Чунки, ўтган куни ўқишдан келаётсам, янги келин кўча супураётган экан. Катта овсини билан роса пичирлашди. Менга зимдан қараб-қараб қўярди. Ичида ғурурланаётган бўлса керак-а. Мен аҳмоқ бўлмасам, сиримни айтиб қўярмидим...

«Эҳ, Наргиз, Наргиз.., – деб ўйладим ичимда, – Сени муҳаббатинг айб эмас, балки улуғ бахтдир. У ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бахтинг ҳали олдинда. Оллоҳим сенга ҳам шундай чиройли бахт берсинки... Мана кўрасан. Бироқ энди сирингни ҳеч кимга айтма».

***Гўзал ОТАЖОНОВА.***

**Кулганга нима етсин!**

## ТЕКИН БЎЛСА...

Оғайним Мамат қизиқ билан бозорга харид қилиш учун кирдик. Ёнғоқнинг нархи баланд. Шунча савдолашсак ҳам сотувчи пастга тушмади. Охири ҳийла ишлатдим.

— «Шайтанат» фильмини кўрганмисиз? — деб сўрадим ундан.

— Ҳа, жуда яхши кўраман у фильмни, — деди сотувчи ҳам.

— Баракалла, шу фильмда мана бу оғайним Асадбекнинг ўртоғи ролини ўйнаган, — дедим Мамат қизиқни кўрсатиб. Дарҳақиқат, Мамат билан шу ролни ўйнаган Хайрулла Саъдиевнинг қандайдир ўхшашлиги бор эди.

— Ие, шу одамми? Майли, ҳурмати учун бир кило текинга бераман, — деди у халтамизни тарозига қўйиб. Мамат қизиқ бўлса «қовун туширди»:

— Текинга бўлса, тўрт кило берасиз, икки килодан бўлиб оламиз, — деди. Сотувчи бўш халтани унинг қўлига тутқазди.

## ГАЛСТУК

Мамат қизиқ узоқ сафардан қайтар чоғида ўғлига иккита чиройли галстук олиб келибди. Ўғли дарров биттасини тақиб олибди.

— Ярашибдими, дада? — сўрабди дадасидан.

— Ярашишга ярашибдику, нега иккинчисини тақмадинг? — дермиш Мамат қизиқ.

***Ҳамид НОРҚУЛ.***

*Шоҳмот ажойиботлари*

## САБАБИ – ХИЖОЛАТПАЗЛИК

1823 йилда асос солиниб, ҳозиргача нашр этилаётган Англия медицина ҳафталиги «Ланцерт» ўз саҳифаларида шоҳмот рукнини очган дунёдаги энг биринчи журналдир. Бу рукн 1823 йил октябрь ойидан то 1824 йил апрелигача чиқиб турган ва унинг тўхтатиб қўйилганлигининг сабаби журналхонларга ёқмаганидан эмас, аксинча, жуда манзур бўлганлигидан. «Ланцерт»га келган хатларнинг аксарияти ана шу шоҳмот рукнига бағишланганлигидан табобат журнали таҳририяти бир оз ҳижолат чекиб, уни ёпишга қарор қилган.

## ЗЎР ТУРТКИ

Шоҳмот тарихида ҳам Англиянинг тутган ўрни кўпчиликка маълум. Биринчи халқаро турнир ташкилотчиси ва мутасаддилари ҳам англияликлар хисобланади. 1851 йилда Лондонда ўтказилган дастлабки турнир энг кучли шоҳмотчиларни аниқлаб берган эди.

XX асрнинг ўрталарига келиб Англия шоҳмотдаги мавқеини бутунлай йўқотиб «қолоқ»лар сафига ўтиб қолди. Шунда жунбушга келган ҳомийлардан бири – банкир Слейтер 1970 йилларнинг бошида биринчи бўлиб гроссмейстерлик даражасига кўтарилган англиялик шоҳмотчига 5000 доллар мукофот ажратилганини эълон қилди. Соврин Энтони Маелсга тегди.

Қарабсизки, кейинги ўн йил ичида англиялик шоҳмотчилардан ўн нафари гроссмейстерлик даражасини олди: бу мамлакат эндиликда энг кучли шоҳмотчилар давлати сафига қўшилди. Бунга мамлакатда кўплаб халқаро турнирлар, жаҳон биринчилиги учун ярим финал матчлари, фестиваллар ўтказила бошлаганлиги катта туртки бўлди, албатта.

## АКТЁРЛАР ВА ТОМОШАБИНЛАР

Англиялик кекса халқаро мастер ва таниқли шоҳмот журналисти Гарри Голомбекнинг Лондонда чиқадиган «Таймс» газетасида ёзишича, Буюк Британияда вужудга келган «Шоҳмот васвасаси» англиялик театр продюсерларида пьеса постановкаларига тобора кўпроқ, шоҳмот тахтаси ёнида туриб, ўтириб турли-туман позицияларни ўйновчи персонажларни кўрсатувчи саҳналар киритиш фикрини ўйғотди.

Бироқ, бу янгилик турли зиддиятларга сабаб бўлди. Чунончи, баъзи ҳолларда партернинг олдинги қаторларида ўтирган томошабинлар, ўз фикрларича, энг яхши юришларни айтиб туришган. Актёрларнинг юришларини эса масхаралашган.

***Мамажон МУҲИДДИНОВ.***




*Уйинни оқлар бошлаб, ютади.*

**Об-ҳаво**

Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 10-14 январь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Шу даврнинг дастлабки кунларида айрим ҳудудларда қисқа муддатли ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Эрталаб ва кечалари туман тушади.

Ҳарорат кечалари 1 даража совуқ, 4 даража илиқ, кундуз кунлари эса, 9-14 даража атрофида илиқ бўлиши кутилади.

*Ўзингизни синанг*

# ПУЛЛАРИНГИЗНИ ҚАЕРДА САҚЛАЙСИЗ

## («к» ҳарфли кроссворд)



**ЁЙ БЎЙИЧА**: 1. Қимматбаҳо тошлар ўлчов бирлиги. 2. Уруғи қандолатчиликда ишлатиладиган ўсимлик. 3. Тошкент вилоятдаги дарё. 4. Дон чиқити. 5. Кимёвий модда. 6. Тўғри бурчакли учбурчак томони. 7. Камтарга ... . 8. Ўзбек маърифатпарвар шоири. 9. Марказий ва Жанубий Америка оралиғидаги денгиз. 10. Торли мусиқа асбобини чалиш мосламаси. 11. Африкадаги давлат. 12. Гап бўлаги. 13. Камёб, чопқир жонивор. 14. Тўшама рўзғор буюми. 15. Бухоро вилоятидаги шаҳар. 16. Бинокорлик ашёси. 17. Ўзбекистон жанубидаги туман. 18. Жануб меваси. 19. Қазилма ёқилғи. 20. Тожикистондаги вилоят. 21. Пахтанинг «либоси». 22. Танлов. 23. Ниҳол. 24. Ёрдам. 25. Узоқ Шарқдаги вулқонли орол. 26. Миллий спорт тури. 27. Ҳисоб илмида биринчи бўлиб ўнли касрни қўллаган ўрта аср олими. 28. Идора ходими. 29. Толали экин. 30. Катта, улуғ. 31. Ҳунармандлик соҳаси вакили. 32. Электр миқдорининг ўлчов бирлиги. 33. Ҳисоб илмидаги белги тури. 34. Билим манбаи. 35. Спорт қайиғи. 36. Очқич буюм. 37. Муассасанинг пул маблағлари сақланадиган хона. 38. Электрод. 39. Чехия пул бирлиги. 40. Пойга мусобақаси. 41. Кристалл ёки аморф ҳолдаги маъдан. 42. Энергиянинг энг кичик миқдори. 43. Экин майдони қисми. 44. Тошлоқ ерларда ўсувчи ўт. 45. Туркманистондаги шаҳар. 46. Бадиий буюм. 47. Сув қирғоғида емирилишдан ҳосил бўладиган жой. 48. Сайроқи қуш.

**БЕЛГИЛАНГАН ХОНАДОАН СОАТ МИЛИ ЙЎНАЛИШИДА РАҚАМ АТРОФИДА**: 49. Қора ва Каспий денгизлари оралиғидаги тоғ. 50. Парранда. 51. Гуруч ......сиз бўлмас. 52. Америка чўлларида ўсувчи тиканли гиёҳ. 53. Ўсимликнинг илк аъзоси. 54. Ҳиндистон шимолидаги шаҳар. 55. Механизмнинг ҳаво, сув йўлини очиб-ёпиб турувчи қисми. 56. Белорус шоири. 57. Йирик ҳарбий қисм. 58. Деҳқончилик асбоби. 59. Немис астрономи ва математиги. 60. Шеър қисми. 61. Ёғ олинадиган экин. 62. Рўзғор буюми. 63. Мусиқа асбоби. 64. Қора қайинларга мансуб дарахт. 65. Дунё томонларини кўрсатувчи асбоб. 66. Само. 67. Сунъий тола. 68. Йиртқич қуш.

**МУАММОНОМА**

**ОЧҚИЧ СЎЗЛАР**: 1. Кураш тури – 6, 1, 12, 1, 5, 11. 2. Спортчилар гуруҳи – 6, 7, 8, 1, 10, 13, 1. 3. Қазилма маъдандан ҳосил қилинган ёқилғи – 6, 7, 6, 3. 4. Украина пойтахтига ака-укалари билан асос солиб, илк ҳукмдор бўлган афсонавий шахс – 6, 2, 14. 5. Сув ҳавзаси – 6, 9, 4.

Энди шакл марказидаги рақамларни очқич жавоблари асосида мос ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Ундан чаҳорёрлардан Ҳазрат Алининг насиҳатларидан бири яширинган.

***Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.***

Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг коммунал мулкчилик ва хусусийлаштириш бош бошқармаси томонидан 1993 йил 18 мартда Абдусаттор Абдувоҳидович Султонов номига берилган 04-02/15050 рақамли Уй-жойни шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «Мута С. И.» хусусий фирмасининг йўқолган

**ДУМАЛОҚ МУҲРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-2004. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.45. 1 2 3 4 5 6